



## НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА МИФОНИМЛАР АСОСИДА ШАКЛЛАНГАН ИККИЛАМЧИ НОМЛАШЛАР

*Мирсанов Бобомурод Муҳаммадиевич,*

*ТошДПУ Самарқанд филиали катта ўқитувчиси ф.ф.д (PhD)*

**Калит сўзлар:** терминология, фитонимлар, зоонимлар, мифонимлар, иккиламчи номлашлар, нақл, ривоятлар, мифология, илҳом манбаи, фантастик тасвир, ўсимлик, жонзотлар, ассоциатив тафаккур, мифофитоним, мифозоонимлар.

Ҳар бир тилнинг терминологияси таркибидаги фитонимлари ва зоонимларини кузатар эканмиз, уларнинг муайян қисми мифонимлар асосида шаклланган иккиламчи номлашлар эканлигига гувоҳ бўламиз. Бу бежиз эмас, чунки нақл, ривоятлар халқлар билими тараққиётининг энг қадимги босқичида бўлган дунёқарашнинг асосий шакли ҳисобланади. Бу жиҳат фалсафий манбаларда яхши изоҳлаб берилган: “Воқеликни билишнинг, дунёга қарашнинг ўзига хос усули бўлган мифнинг характерли хусусияти шуки, ҳамма нарсалар ва ҳодисалар унда бир-бирига иштирокчи сифатида идрок этилади. Бунинг натижасида бир хил буюмларнинг сифатини иккинчи хил буюмларга бемалол кўчириш мумкин бўлади. Мифология табиат кучларини жонлантириб кўрсатишга, уларни ҳиссий образлар, алоҳида вужудлар (одамлар, ҳайвонлар) шаклида тасвирлаб кўрсатишга асосланган. Ўша замондаги кишиларнинг назарида мифик вужуднинг ҳаракатлари ғайритабиий ҳаракатлар эмас, балки ҳеч қандай шубҳа туғдирмайдиган одатдаги, тамомила реал ҳаракатлар бўлиб кўринади. Зевс ҳақиқатан ҳам момақалдироқ ва яшинни яратади, “туғдиради”. Атлант ҳақиқатан ҳам осмон гумбазини елкасида кўтариб туради. Мифик қахрамонларнинг ақлга сиғмайдиган жасоратлари ҳақиқатан ҳам бажарилган ишлар деб ҳаёл қилинади. Мифологияда бир хил нарсаларнинг хоссаларини иккинчи хил нарсаларга осонлик билан кўчирилганлиги сабабли, у ҳаёлга кенг майдон очиб беради ва бу майдонда мифологик тарзда фикр қилувчи киши ҳар қандай ўзгаришлар қилиши ва

жасоратлар кўрсатиши мумкин бўлади... Бироқ мифология жамият учун дунёқараш бўлмай қолгандан кейин ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолди ва бадиий ижодда, санъатда илҳом манбаи бўлиб қолди ” [16; 180-181–б.]. Санъат ва адабиётда мифология негизида яратилган образлар реалистик асосларга эга, яъни воқеликнинг фантастик тасвири ва халқ орзу – умидларининг бадиий ифодасини ташкил этади. Масалан, Фирдавсийнинг “Шоҳнома”, Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин”, “Садди Искандарий” асарларидаги мифологик образлар шулар жумласидандир [19; 187– б.].

Худди санъат ва бадиий адабиётда бўлганидек, инсон фитонимлар ва зоонимлар таркибида учраган мифонимлар асосида яратилган иккиламчи номлашларда табиатда мавжуд ўсимликлар ва ҳайвонлар феъл – атворларида, белги – хусусиятларида, шакл-шамойилида ҳам мифологик образларнинг белги-хусусиятларини кўргандек бўлади ёки ўхшашлик топади. Натижада инсон мифологик образлар номини реал борлиқдаги ҳали номлаб улгурмаган ўсимлик ва жонзотларга беради, шу сабаб бўлиб, мифологик номлар янги бир денотатнинг номи сифатидаги ўз фаолиятини бошлайди. Улар, ўз навбатида, кўплаб тилларга ўзлашиб, ўша тиллардаги фитонимлар ва зоонимлар таркибидаги ўзига хос интернационал характердаги иккиламчи номларни таркиб топтиради. Бу ҳол ҳам номлаш жараёнидаги ассоциатив тафаккурга хос ижод маҳсули сифатида қаралиши керак.



Шуни ҳам эслатиб ўтиш ўринлики, мифонимлар асосида шаклланган фитонимлар ва зоонимларнинг кўпчилиги қадимги Юнонистон ва Римда кенг тарқалган политеизм, яъни кўп худолик билан боғлиқдир.

Куйида мифонимлар асосида шаклланган мифофитоним ва мифозоонимлар ҳақида сўз юритамиз.

Немис тилида **Adonis** – schöner Mann [10; 326-б.]

**Adonis** [phönik. adon „Herr“]: phönik.-syr. Vegetationsgott (Zentrum Byblos), bereits früh in die Griechen. Götterwelt aufgenommen; jugendlich schöner Geliebter der Aphrodite, der auf der Jagd von einem Eber getötet wurde (Lexikon der Antike 1971: 14). Benannt nach Adōnis (gr. *Ádōnis*), einem zyprischen Frühlingsheros und Geliebten der Venus (Aphrodite von Paphos); nach seinem Tode entsprang aus seinem Blut eine granatrof gefärbte „Blume“, die durchaus als Adonis flamma gedeutet werden kann. Der Name des Frühlingsheroen ist semit., vgl. phöniz. adōni „mein Herr“, 'adōn „Herr“ (hebr. *ādōn*), und ist auf keinen Fall zu trennen vom Namen des orient. Vegetationsgottes Tammūz, der offenbar mit adōni angerufen wurde; in der bekannten Bibelstelle Ezech. 8, 14 übersetzt die Vulg. seinen Namen geradezu mit Adonidem, während die Septuaginta Thammouíz und Luther Thammus wiedergeben (Genaust 2012: 39), (Spohn, Aichele 2010: 56).[13; 26-б.]

**Адонис** –1) ўлувчи ва тирилувчи ўсимликлар худоси; мифга кўра, Адонис ўлдирилган эди, кейин тирилган; қадимги Рим ва Юнонистонда Адонисга сифиниш кенг тарқалган эди... [14;18-б.]

**Адонис** (Adonis) — айиқтовондошлар оиласига мансуб ўтлар туркуми... [17;1,135-б.]

**Адонис** (Adonis) — айиқтовондошлар оиласига мансуб бир йиллик ва кўп йиллик ўтлар туркуми... 20 га яқин тури бор. Ўрта Осиёнинг тоғли ерларида ... учрайди... [4;12-б.]

Энциклопедик тавсифда ўсимликка нима учун *адонис* номи берилганлигининг сабаби айтилмаган. Эҳтимол, бу ҳол

ўсимлик поясининг тик ва тукли бўлиши, ўсимликнинг гуллаб бўлганидан кейин тукларининг тўкилиб кетиши ҳам асос бўлган бўлиши мумкин. Бундан ташқари, унинг таркибидаги адонизиднинг юрак касалликларини даволашда ишлатилиши ҳам бунга сабаб бўлиши мумкин.

**Der Ammonit** – nach dem ägyptischen Gott Ammon, der mit Widderhörnern dargestellt wurde: 1. ausgestorbener Kopffüßer der Kreidezeit. 2. spiralförmige Versteinerung eines Ammoniten.[3; 80-б.]

**der Ammonit** – a) zu einer ausgestorbenen Gruppe von Kopffüßern aus dem Mesozoikum gehörendes Tierb) spiralförmige Versteinerung eines Ammoniten [20].

**Ammonit** (Deutsch)

Wortbedeutung/Definition:1) *Paläontologie*: Kopffüßer mit vier Kiemen und einer spiralförmigen Muschel, der in der Zeit vom Devon bis zur Kreide gelebt hat2) *Geologie*: versteinerte Muschel eines Ammoniten.

*Synonyme*: Ammonshorn [21]

**Аммонитлар** - [қадимги Миср худоси Амон номидан (юн. Аммон), у баъзан шохли кўй киёфасида тасвирланган] - кенг тарқалган бош-оёқли моллюскаларнинг қазилма гуруҳи ... палеозой ва мезозой эраларида яшаган [14; 33-б.]

**Аммонитлар** (Ammonoidea) - бош-оёқли моллюскалар туркуми. Девон даврида пайдо бўлиб, триас ҳамда юра даврларида кенг тарқалган. Бўр даврининг охирида қирилиб кетган. Аммонитлар танаси диаметри 1 м гача бўлган ясси спирал кўп камерали чиғаноқ ичига жойлашган. Чиғаноқнинг биринчи камерасида ҳайвон танаси жойлашган, бошқа камералари ҳаво билан тўлган бўлиб, юмшоқ ўсимта— ингичка найча орқали туташган... [17;1, 287-б.]

Бош-оёқли моллюсканинг бошида жойлашган оёқлар гўё Миср худоси Амоннинг шохли кўй тасвирига ўхшатиб номланган. Бунда бошда оёқ бўлиши билан бошда шох бўлиши ўзига хос зиддиятли ҳолат. Нима ҳам дердик, айрим мифонимларнинг иккиламчи номлашга



жалб қилиниши ҳам реал борлиқдаги нарсанинг зиддиятли ҳолат касб этилиши ҳам мифонимларга хосликнинг бир кўриниши сифатида қайд этилиши мумкин.

**Der Apollo** – 1. *Schöner junger Mann, auch in der Form Apoll.* 2. *Schmetterling.* 3. *Planetoid. Nach Apollon, dem griechischen Gott der Dichtkunst, der Weissagung, der Musik, des Gesangs und weiterer göttlicher Attribute. Er war der Gott der klaren Ordnung und des geistigen Lebens. ... – Der Schmetterling wird nach seinem zoologischen Namen „Parnassius apollo“ (parnassischer Apollo) genannt, d.h. auf dem Parnassos fliegend* [11; 7-б.].

**Аполлон** – 1) қадимги юнон мифологиясида – куёш, донолик худоси, санъат хомийси, худо – жангчи, каромат худоси; 2) кўчма. Келишган ва хушбичим, кўркам эркак [14; 49-б.].

**Аполлон** – 3) зоол. Чиройли йирик кундузги, елканлилар оиласига мансуб капалак [14; 49-б.].

Ушбу капалакка **АПОЛЛОН** номининг берилиши бу сўз кўчма маъносининг келишган ва хушбичим кўркам маъноси билан боғланади.

17 да берилган яна бир сифат ҳам бу фикрни қувватлайди: “... Қадимги юнон санъатида Аполлон қўлида ўк-ёй ёки мусиқа асбоби ушлаган ёш йигит қиёфасида тасвирланган.”

**Der Argonaut**–1. In der griechischen Mythologie ein Mitglied der bis zu 60 Mann starken Besatzung des Schiffes Argo, die unter Iasons Führung das Goldene Vlies des Aietes, des Herren von Aia (Kolches), raubt. Von dem Namen „Argo“ gibt es zwei Deutungen : entweder nach dem Erbauer Argos, einem Fahrteilnehmer, oder zu griech. *argos* – schnell, glänzend. Athene versetzte das Schiff als Symbol wagemutiger Seefahrt an den südlichen Sternenhimmel. 2. Eine kleine, achtarmige Tintenfischart, das Papierboot, der Paierenautilus (Argonauta argo). Das Weibchen sitzt in einer etwas eingerollten, schiffchenförmigen Kalkschale. [11; 8-б.]

**Аргонавтлар** (юн. Argonautai; Argo — кема номи *vanautes* — денгизчи)

— юнон мифологиясидаги қахрамонлар. Аргонавтлар «Арго» кемасида аждаҳо кўриқлаб турадиган олтин терини олиб келиш учун Ясон бошчилигида Колхидага борадилар ва сеҳргар Медея ёрдамида уни кўлга киритиб, Юнонистонга олиб келадилар... [17; 1,401-б.].

**Аргонавтлар** — 3) зоол. Бош-оёкли моллюскалар оиласи, уларнинг урғочиси нарларига нисбатан кўп марта йирик бўлиши билан бирга, ўз раковинасига эга [14; 52-б.].

Зоологик термин англатган моллюскаларнинг бу раковинаси аргонавтларнинг кемасига ўхшатиш асосида иккимламчи номлаш вазифасини бажарган. Мотивлашув шу билан боғлиқ.

**Argusaugen Pl.** Durch Misstrauen geschärfte, wachsame Augen, Nach der griechischen Sagengestalt. *Argos* (latein.Argus), einem vieläugigen Riesen mit dem Beinamen Panoptes (-Allesseher). Hera, die Gemahlin des Zeus, bestellte ihn zum Wächter der Io, in die Zeus verliebt war und die er vor den Nachstellungen Heras in eine weiße Kuh verwandelt hatte. Hermes tötete ihn; seine Augen wurden von Hera an die Schwanzfedern des Pfaus gesetzt. Eine von Hera geschickte Stechfliege trieb die Kuh im Wahnsinn von Land zu Land; über den Bosphorus (-Rinderfurt) gelangte sie nach Asien, wo ihr Zeus wieder menschliche Gestalt verlieh [11; 8-б.].

**Аргус** – 1) қадимги юнон мифологиясида кўп кўзли паҳлавон-кўриқчи, унинг уйқуси пайтида ҳам айрим кўзлари очик ҳолда бўлган [14; 52-б.].

**Аргус** – товуксимонлар туркумининг қирғовуллар оиласига киради [5;9-б.].

**Аргус** — юнон афсоналаридаги кўп кўзли паҳлавон, сергак соқчи;

кўзларининг бир нечаси доим очик бўлган. Гера сизирга айлантирилган Ио

(Зевснинг севгилиси)ни кўриқлашни Аргусга топширади. Гермес Аргуснинг ҳамма кўзларини ухлатиб ўлдиради ва Иони озод қилади. Кўчма маънода— Аргус зийрак, сергак демакдир [17, 1; 402-б.].



**Аргуслар** — қирғовулларнинг иккита, бир-бирига яқин монотипик уруғлари (*Argustanus* ва *Rheinartia*). Иккинчи даражали оқиш патларида жуда кўп кўзсимон доғлари бўлади [17; 1,402-б.].

**Аргус** — Бўйи 30 смча, ранг-баранг тусли жуда чиройли балиқ [8; 41-б.].

“Зоология энциклопедияси”дан олинган икки изоҳда ҳам аргус номли кушга ҳам, балиққа ҳам нега шундай ном берилгани изоҳланмаган.

“Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси”да кушнинг *аргус* деб номланишига ишора берилган, бироқ унда балиқ номи қайд этилмаган. Фақат “Зоология энциклопедияси”нинг балиқларга ишланган рангли ХХІ жадвалининг 6 – расмидаги балиқнинг тасвирида нега *аргус* номи берилгани аён бўлди: чунки балиқнинг танасида кўп миқдордаги кўзсимон доғлари бор.

**Abelia: Abelia:** nach Abel, Clarke, 1789 -1826, Chirurg und Naturforscher, bereiste 1816/17 China. Wi. 1: Za. 590 [2; 31-б.].

**Abelia** (Deutsch) Wortart: Substantiv, (weiblich) 1) eine Pflanze der Gattung

*Abelia* .2) eine immergrüne, strauchförmige, aus Mexiko stammende Pflanzenart

(*Abelia floribunda*) Synonyme: 2) Erdkrönchen, *Vesaliafloribunda* Übergeordnete Begriffe: 1) Geißblattgewächse Untergeordnete Begriffe: 1) Chinesische Abelia, Großblütige Abelia[43]

**Асо-Мусо**, *ҳасса-мусо* (*Abelia corymbosa*) — шилвидошлар оиласининг абелия туркумига мансуб сершоҳ ва сербарг бута. Қирғизтов, Талас, Шарқий Чотқол, Сусамир ва Фарғона тоғлари (Мойлисой, Арслонбоб)нинг ёнғоқзор ва арчазорларида учрайди. Ёғочи қаттиқ бўлганидан жуда кадрланади [17;1,458].

Номнинг ўзидан, ёғочнинг қаттиқлиги тавсифидан бу ўсимлик ёғочидан қадимдан ҳасса яшаш расм бўлган. Эҳтимол, Мусо пайғамбар билан боғлиқ ривоят ҳам бўлгандир. Ҳар ҳолда унинг бундай номланиши бежиз эмас.

**der Atlant-en,-en Pfeiler**, Säule in der Form einer kraftvollen männlichen Figur, die ein Gebäudeteil trägt [22].

**Ein Atlant** ist in der Architektur ein Gebäckträger in Form einer männlichen Figur... [11;10-б.]

**Атлант** – 1) қадимги юнон афсонасида худоларга қарши курашда иштирок этган титанларга жазо сифатида осмон гумбазини кўтариб туриш топширилган [14; 62-б.].

**Атлант** – безак ҳайкалтарошлиги асари; юнонлар тасавурида осмон гумбазини кўтариб турган паҳлавоннинг номи [17; 1,485-б.].

**Атлант** – юксак умуртқалиларда биринчи бўйин умуртқаси; калла суяги билан бириккан бўлади. Шакли ҳалқага ўхшайди. Бош бурилганда Атлант ҳам бош билан бирга бурилади [17; 1,485-б.].

**Атлант** –*Сатурн йўлдоши* [17;1,485-б.].

Изоҳлардан зооним терминини иккиламчи номлаш орқали мотивлашуви аён бўлиб турибди.

**Victoria** ist die vergöttlichte Personifikation des Sieges (lateinisch *victoria*) in der römischen Mythologie, Schutzgöttin des römischen Kaisers und jungfräuliche Hüterin des Reiches. Sie ist die Entsprechung der griechischen Göttin Nike. Dargestellt wurde sie häufig fliegend und mit einem Lorbeerkrantz als Siegesymbol in der Rechten [23].

**Виктория**– Рим афсоналарида ғалаба маъбудаси. Юнонларнинг Никасига тўғри келади [17; 2,455-б.].

**Victoria** ist eine Pflanzengattung in der Familie der Seerosen-gewächse (*Nymphaeaceae*), die aufgrund ihrer enormen Blattgröße im Deutschen auch **Riesenseerosen** genannt werden. Die nur zwei Arten sind in Südamerika beheimatet [24].

**Виктория** (*Victoria*) — нилуфардошларга мансуб кўп йиллик ўт. Жанубий Америкадаги Амазонка ва Ориноко дарёларининг тинч оқадиган жойларида ўсади. Барги жуда йирик, доира шаклида, диаметри 2 м гача барг 50 кг гача юкни кўтара олади [17; 2,455-б.].



Бу ўсимлик баргининг 2 метргача диаметрга эга бўлиши, 50 килограммгача юк кўтара олиши – чинакам ғалаба. Бошқа изоҳ шарт эмас.

Die erste Definition von **Harpie** im Wörterbuch ist ein fabelhaftes Monster mit einem Frauenkopf, einem Vogelkörper und scharfen Klauen. Eine andere Definition von Harpyie ist gierige und räuberische Person. Harpyie ist auch ein tagaktiver Raptor der Familie der Falconidae, groß, mit einem mächtigen Schnabel und riesigen Gewächshäusern. Er lebt in den Wäldern des tropischen Amerikas und ernährt sich hauptsächlich von Affen. Art von Fledermäusen [25].

**Die Harpyie** ([har <sup>ἄρ</sup> <sup>πυγ</sup> <sup>γίη</sup> <sup>εῖ</sup> <sup>χ</sup> <sup>ῶ</sup> <sup>ν</sup> <sup>α</sup>, *hárpyia* „Reißer“, lat. *harpeia*) ist eingeflügeltes Mischwesen der griechischen Mythologie. Sie verkörpern die Sturmwinde und waren die Töchter des Meerestitanen Thaumas und der Okeanide Elektra. Ihre Zahl schwankt je nach Überlieferung zwischen zwei und fünf [26].

**Harpyie (Harpia harpyja)** – ist etwas größer als ein Steinadler und gilt als einer der stärksten Greifvögel der Erde.[27] – Гарпия олтин бургутдан (беркут) бироз каттароқ ва ер юзидаги энг кучли йиртқич кушлардан бири ҳисобланади.

**Гарпия** – 1) қадимги юнон мифологиясида – қанотли аёл-махлуқ. Гирдоблар маъбудаси. [14;114-б.].

**Гарпия** – йиртқич кушлар туркумига, қарчиғайсимонлар оиласига киради. Унинг патлари юмшоқ ва ўзи жуда ҳам чиройли бўлади, бошидаги тож патлари уни яна ҳам кўркама қилади... [5; 22-б.].

**Гарпия** – 3) Осиёнинг шимоли – шарқида яшовчи кўршапалак [14;114-б.].

*Гарпия* мифонимининг ҳам қушининг, ҳам сут эмизувчининг номига айланиши улар иккисининг ҳам қаноти борлиги, чиройли, ғайритабиийлиги билан боғлиқ, чунки қанотли аёл –махлуқ ҳам ғайритабиийдир.

**Cassandra:** lat. Cassandra, gr. Cassandra, in der gr. Mythologie N. des Priamos, die die Trojaner vor ihrem Untergang warnte (vgl. Verg. Aen. 2, 247 u.ö.); von Linie auf die Pfl. wie *Andromeda*, *Cassiope* usw. auf verwandte Gattungen übertragen. Wi. 163, vgl. FEW II 1, 459.[2; 98-б.]

**Kassandra**, Cassandra, Alexandra, *griechischer Mythos*: Tochter des trojanischen Königs Priamos und der Hekabe. Apoll verlieh ihr die Gabe der Weissagung, versagte ihr aber (da sie seine Werbungen zurückwies) die Kraft zu überzeugen. So sagte sie - ohne dass jemand ihren Prophezeiungen Glauben schenkte - den Untergang Trojas voraus und warnte vergeblich vor dem hölzernen Pferd (daher heißen unbeachtete Warnungen Kassandrarufo) [28].

**Die Sumpfmirte (cassandra)** ist ein immergrüner Strauch mit einer Höhe von bis zu 1 m und breiten sich gerade graubraunen Ästen. Es wächst in Hochmooren und in sumpfigen Wäldern. Blätter und junge Triebe enthalten Gift, das für Ziegen und Schafe gefährlich ist [29].

**Кассандра** – 1) қадимги юнон эпосидаги Троя подшосининг қизи, башоратчи; унинг машъум башоратларига ҳеч ким ишонмас эди;

2) *кўчма*. бахтсизликдан хабар берувчи [14; 224-б.].

**Кассандра** – эрикдошлар (верескдошлар)га мансуб бута. Барглари доим яшил, безчалар билан қопланган; Меваси – кўсакча барг ва ёш новдаларида андромедоксин глюкозиди бор. Қўй ва эчкилар учун захарлидир [4; 129-б.].

Ўсимлик номи 1- ва 2- маъно билан ҳам алоқадор, бу алоқадорлик ўсимлик барг ва ёш новдаларидаги қўй ва эчкилар учун хавфли бўлган андромедоксин моддаси билан боғлиқ, яъни унинг натижаси хавфдан башоратдир.

Im Duden wird ein Mentor als „Fürsprecher, Förderer und erfahrener Berater“ definiert. Ein Mentor stellt der von ihm betreuten Person, auf Englisch „Mentee“ genannt, Rat, Informationen und Orientierung zur Verfügung – und das typischerweise in einem Feld, in dem der Mentor sich gut



auskennt und der Mentee weniger Erfahrung hat. Oft haben Mentoren ein Händchen für Coaching und sind daran interessiert, ihren Erfahrungsschatz weiterzugeben und Wissen auszutauschen. Die Betreuung eines Mentees ermöglicht dem Mentor genau dies [30].

Damit stimmt vollkommen MITSCHURIN (1929a, S38 eigen Bewertung seiner anderen Methode, welche von ihm die Methode „Mentor“ genannt wird, überein [9;935-б.].

**Ментор** – (гр. mentor – “Одиссея” поэмасидаги Одиссеянинг ўғли Телемакнинг тарбиячиси Ментор [42] номидан олинган бўлиб, тарбиячи мазмунини англатади). Ёш дурагайга пайванд қилинган ёши катта ўсимлик. Бундай пайванд натижасида ёши катта ўсимлик ёки ўсимликка ўзининг яхши хусусиятларини ўтказди ва ментор (тарбиячи) вазифасини бажаради... [41].

Бу ўринда изоҳга зарурат йўқ.

**Pegasus, der-** 1. (Mythologie) ein geflügeltes Pferd aus der griechischen Mythologie; Flügelpferd. 2. Pferd, das alle wahren Dichter als Sinnbild der Dichtkunst reiten; Dichterross; Musenross. 3. (Astronomie) ein Sternbild [31].

**Пегас** – 1) қадимги юнон мифологиясида Зевснинг қанотли оти, унинг туёқлари зарбидан шоирларга илҳом берувчи мўъжизавий чашма пайдо бўлган эмиш [14; 378-б.].

**Пегас** – пегассимонлар оиласига мансуб, Ҳинд ва Тинч океани соҳилларида тарқалган, ажойиб бир махлук. Усти катта суяк қалқонлар билан қопланган, кичик оғизчаси узун тумшуги остига ўрнашган. Кўкрак сузгичлари кенг, шуълалари қайрилмайди, шунинг учун унга афсонавий қанотли от – Пегаснинг номи берилган. Жануби-шарқий Осиёда бу балиқни қуришиб, тумор ўрнида тақишади ёки туристларга ёдгорлик сифатида сотишади [8; 149-б.].

Мифонимнинг мифозоонимга айланиши, яъни мотивлашуви тавсифдан аён бўлиб турибди.

**Sphinx:** Weibliches Ungeheuer und Todesdämonin im griechischen Mythos, insbesondere dem Mythos des Ödipus, ein

Mischwesen aus Mensch und Tier erkennbar an ihrem Frauenkopf, Löwenkörper, Schlangenschwanz und Adlerflügel, das denjenigen tötete, der das von der Sphinx aufgegebene Rätsel (Rätsel), nicht lösen konnte [32].

**Сфинкс** – 2) қадимги юнон мифологиясида танаси шер, боши ва кўкраги аёл қиёфасидаги қанотли махлук [14; 493-б.].

**Сфинкс** – Жанубий Африкада тарқалган чакма ва тропик Африкада тарқалган **сфинкс** ҳаёт кечириши жихатидан ва хулқлари билан бабуинга ўхшайди, ундан фақат катта – кичиклиги ва жунининг ранги билан фарқ қилади [6; 12-б.].

**Сфинкс – кўппак балиқ.** Қримда ва Кавказнинг Қора денгиз қирғоқларида бу оиланинг **сфинкс-кўппак** балиқ деган бошқа бир тури учрайди. У бошидаги тожи узун ва хипчинсимон экани, ранги кўкроқ, бўйи 7 см бўлиши ва бошқа белгилари билан денгиз кўппакчасидан фарқ этади [8; 191-б.].

**Сфинкслар** – йирик капалакларнинг бир тури [14;493-б.].

Мифонимнинг мифозоонимга айланиши, яъни мотивлашуви тушунарли эмас.

**Фэтон** – 1) қадимги юнон афсонасида Қуёш худоси – Гелиоснинг ўғли. Фэтон отасидан оловли аравача сўраб олган. Бироқ уни бошқаришнинг уддасидан чиқолмай, бутун дунёнинг ёниб кетишига бир баҳя қолган, шу сабабли Зевснинг яшини билан ҳалок этилган [14; 534-б.].

**Phaeton** Vögel, die man auf dem großen Ocean zwischen den Wendekereisen, und auf der nördlichen und südlichen Hemisphäre angetroffen hat [15;655-б.].

**Фэтонлар** – курак оёқли қушлар туркумининг бир оиласи.. Танаси 30-45 см, оғирлиги 0,9 -1,4 кг. Ним пушти рангда, қора холлари бор. Думи жуда узун. Оёғи қисқа, нозик бўлгани учун қуруқликда қийинчилик билан юради. Ёмон сузади, бироқ яхши учади.

Мифонимнинг қуш номига айланиши, бизнингча, фэтон бошқарган



оловли аравача билан қушнинг ним пушти рангдалиги қисман ўхшашлиги билан боғлиқ.

Айрим мифонимлар бирикма терминларнинг аниқланмиш компоненти сифатида кенг қўлланади. Улар изоҳли луғатларимизда ҳам қайд этилган. Масалан,

**Fauna** w [benannt nach Fauna, in der römischen Mythologie Tochter (oder Gattin) des Wald- und Wiesengottes Faunus], 1) Tierwelt, Gesamtheit der in einem bestimmten Gebiet vorkommenden Tierarten (Tiere); grob kann man unterscheiden: Landfauna, Süßwasserfauna und marine Fauna; auch geographische Untergliederung möglich: Faunen bestimmter Kontinente, Länder oder Regionen (tiergeographische Regionen). Biodiversität, Fauna-Flora-Habitat-Richtlinie, Flora. 2) wissenschaftliches Werk über die systematische Zusammenstellung der Tierarten eines bestimmten Gebiets. [33]

**Фауна** – [нем. Fauna – ҳайвонот дунёси < Рим мифологиясида дала ва ўрмонлар маъбудаси ] Бирор худуд, мамлакат ёки геологик даврнинг ҳайвонот дунёси, уларда яшаган ёки яшаётган ҳайвонлар мажмуи. *Ўзбекистон фаунаси. Африка фаунаси. Мезазой фаунаси* [18; 4,335-б.].

**Flora** w [benannt nach Flora, der römischen Blumen- und Frühlingsgöttin], 1) die Gesamtheit aller Pflanzensippen (der Artenbestand) eines Gebiets; 2) eine meist als Buch erscheinende systematische Zusammenstellung der (Farn- und Samen-) Pflanzen eines Gebiets. Meist werden die Taxa auf dem Niveau von Arten behandelt, beschrieben und verschlüsselt, so daß sie zur Bestimmung verwendet werden können. Gegensatz: Fauna. Vegetation [34].

**Флора** – [лот. Flora – Рим мифологиясида: гуллар, баҳор ва ёшлик маъбудаси < flos, floris – гул ] Ер қурагининг бирор қисмида ёки бирор геологик даврида мавжуд бўлган барча ўсимликлар мажмуи; ўсимликлар дунёси. *Ўзбекистон флораси. Зарафшон флораси. Денгиз флораси* [18; 4,353-б.].

Демак, *фауна* мифозооним, *флора* мифофитоним ҳисобланади.

Ўзбек тилида қушлардан хўжа савдогар номининг мотивлашувини кузатиш ҳам мароқлидир. Бу ҳам мифоним асосида юзага келган номлардан биридир.

Қадим замонларда Бухорода бир савдогар яшаган экан. Унинг гўзал бир кизи бўлган экан. Кўп мансабдор кишилар, бой савдогарлар ва паҳлавон-баҳодирлар унга совчи қўйишар экан-у, лекин қари отаси ҳеч кимга кўнмай, қизини ичкарида сақлар экан. Гўзал қизни бир куни ёш савдогар йигит кўриб, унга ошиқ бўлиб қолипти. Унинг қимматбаҳо совға-саломлари ва ёлворишлари гўзал қиз отасининг кўнглини юмшатибди-ю, лекин кизи турмушга чиқиш тўғрисидаги гапни эшитгиси ҳам келмабди. Ошиқ йигит ўзининг бутун бор-будини совға-салом қилишга сарфлаб, хонавайрон бўлибди. Шунда бояги қиз ундан қутулишни кўнглига тугиб, уни ёнига чақирипти ва бутун Бухорога шарманда қилибди. Мазах бўлиб, кулгига қолганидан бечора йигит ҳеч қаерга боролмай қолибди. Ғам-андухдан қадди букилиб, одамларнинг кулги-мазахидан қутула олмай қолган савдогар йигит нола билан оллоҳга илтижо қила бошлапти. Самарқанд ва бошқа муқаддас жойларни бориб зиёрат қилипти. Оллоҳ ва унинг Расулига ёлвориб, шармандалиқдан қутқаришни ва ўзини лоақал парранда ёки даррандага айлантиришни сўрапти. Ахири бориб илтижоси-ю дуоси мустажо бўлипти ва бояги савдогар йигит қушга айланиб қолипти. Одамларни ёмон кўриб, улар билан учрашмаслик учун хўжасавдогар узокқа, қоқ қуруқ чўлдаги қум тепаликларга кетиб қолипти. Шарманда бўлганлиги қуш қиёфасига кириб қолган савдогарнинг ҳеч эсидан чикмас эмиш. Мана шунинг учун ҳам бу қуш одамларга дуч келиб қолганда, тезгина югуриб, буталар орасига биқиниб оларкан [1; 190-191-б.].

Кўринадики, қушнинг номи шу афсона орқали мотивлашган, буни ортиқча изоҳлаш ножоиз деб ўйлаймиз.



**Basilisken** (Basiliscus) sind eine Gattung der Familie der Leguane (Iguanidae). Sie leben in den tropischen Regenwäldern Lateinamerikas, meist auf Bäumen an Urwaldseen, Flüssen und Bächen [35].

**Аждар калтакесаклар** – игуаналар оиласи, тангачалилар туркумига мансуб калтакесаклар уруғи. Боши, елкаси ва думининг устида теридан ҳосил бўлган баланд тожи бўлиши туфайли аждар калтакесаклар эркагининг қиёфаси афсонавий махлуқ аждарга ўхшайди. узунлиги 80 см, шу жумладан думи 60 см [17; 1,140-б.].

Бу калтакесакнинг номи изоҳли луғатимизда ҳам қайд этилган:

**Аждар** 2-калтакесакларнинг дарахтларда яшовчи, учишга мослашган, Жанубий Осиёда тарқалган тури [18;1,44-б.].

Ном ўхшашлик ассоциацияси маҳсули. Ўхшатиш объект – калтакесак, ўхшатиш образи – аждар, ўхшатиш белги – шаклий, кўчим метафора характерида.

**Leguane** gehören fraglos zu den faszinierendsten Reptilien. Ihr Äußeres flößt Respekt ein und erinnert an prähistorische Echsen. Viele spielen mit dem Gedanken, einen dieser attraktiven Leguane im heimischen Terrarium zu halten. Dabei vergisst man oft, dass Leguane viel Sachkenntnis, Zeit und Platzangebot vom Halter erfordern [36].

**Аждарҳолар** – тангачалилар туркумининг игуаналар оиласига киради. Бу уруғнинг 4 та тури бор... Афсонавий аждарнинг қиёфаси ғайритабиий равишда жуда ваҳимали ва ёвуз қилиб тасвирланган. Аждар деб аталадиган калтакесакларнинг баъзи бир морфологик белгилари, чунончи, эркагининг бошидаги теридан иборат бўлган дўппичаси, умумий қиёфаси афсонавий аждарнинг бошидаги тожи ва қиёфасига миниатюр равишда ўхшаш бўлганлиги учун шу исм берилган бўлса керак [7; 26-б.].

**Аждар, аждархо** – афсонавий махлуқ. 1) Турли халқлар оғзаки ижодида қанотли, оғздан ўт пуркайдиган икки ва ундан ортиқ бошли афсонавий илон

образи. Ўзбек халқ оғзаки ижодида ёвузлик тимсоли [17;1,140-б.].

Калтакесакларнинг бу турига берилган номни мифонимлар қаторига киритиш мумкин. Ном ўхшашлик ассоциацияси маҳсули, метафорик кўчимга мансуб.

**Денгиз аждарчаси, денгиз чаёни** – олабуғанамолар туркумининг бир тури. Қора ва Болтиқ денгизида тарқалган. Бўйи 45 смча. Ранги кулранг ёки қора. Йирткич, майда балиқлар, креветка билан овқатланади. Сузгич ва жабраларидаги тиканларининг остида заҳарли беzi бор. Тиканлари санчилганда қаттиқ оғритади, ҳатто қон ва нервга таъсир этиб заҳарлайди ҳам [8;72-б.].

Балиққа бу икки номнинг берилиши унинг заҳарли тиканлари орқали емишини заҳарлаши ва маҳв этиши билан боғланади. Бундан ташқари, тузилишида жабралари ва тиканларида ҳамда устидаги думигача бўлган аррасимон ўсимталари ҳам оддий балиқлардан ажралиб туриши аждарча деб аталишига йўналиш берган.

Денгиз аждарчаси номига кўра уни мифонимлар қаторига қўшиш мумкин.

Die **Echte Trauerweide** (*Salix babylonica*) ist eine Pflanzenart aus der Gattung der Weiden (*Salix*) in der Familie der Weidengewächse (Salicaceae) [37].

**Мажнунтол** – толдошлар (толгуллилар оиласи)га мансуб дарахт. Бўйи 8-10 мча. Пояси тик, новдалари туксиз, ялтироқ, узун ва ингичка, эгилиб ўсади. Мажнунтол манзарали дарахт сифатида ўстирилади. Новдаларидан саватлар, шиша идишларнинг ғилофлари тўкилади [17; 6, 514-б.].

**Мажнун тут** – Тут дарахтининг мажнун тут, пирамидал илонсимон, компакт ва бошқа формалари ҳам маълум; улардан асосан, манзарали дарахтлар сифатида фойдаланилади [12; 260-261-б.].

Бу икки фитонимнинг номланишида иштирок этган мифоним – Мажнун айрим маълумотларда тарихий шахс дейилса, айрим манбаларда мажозий дейилган. 12 – асрда Абу Бакр ал-Волибий Мажнун номига нисбат берилган шеърларни тўплаб девон тузган [17; 6,513-б.].





*Мажнун тут* фитоним мажнунтолга қиёсан шаклланган: бу тут навининг новдалари пастга эгилиб ўсиши мажнунтол новдаларининг эгилиб ўсишига ўхшатишган.

*Мажнунтол* мифофитоними эса Мажнуннинг ғамгин ва тушкун қиёфасининг рамзи сифатида юзага келган. Демак, у ҳам ўхшатиш ассоциацияси маҳсули сифатида баҳоланиши лозим.

**Löwenmaul (Antirrhinum majus)** - Die Pflanze gehört zur Familie der Wegerichgewächse (Plantaginaceae). In der Natur können wir den Löwenmaul in Süd- und Westeuropa und den Mittelmeerländern finden, wo er als kurzlebige Staude wächst. Der populäre Name dieser Pflanze ist "Löwenmaul", denn wenn man den Hals der Blütenblätter drückt, hat man den Eindruck, dass es sich ein Löwenmaul öffnet [38].

**Аждаргул, итоғиз** (Antirrhinum) – сизиркуйрукдошлар оиласига мансуб бир йиллик ва кўп йиллик ўтлар (баъзан, чалабута ўсимликлар) туркуми... гуллари икки лабли, оғзи юмуқ, шингил тўпгулларга йиғилган [17; 1, 140-б.].

**Аждар** – 1 Афсонавий катта илон. Ўртанча ботир қараса, ғордан боши хумдай, узунлиги қирқ газ аждар чиқиб келаётган эмиш. "Чалпак ёққан кун" [18; 1,44-б.].

**Devzira** ist eine speziell gezüchtete Reissorte, die nur im fruchtbaren Fergana-Tal angebaut wird. Die einzigartigen Bedingungen dieses Ortes ermöglichen es Ihnen, ein Produkt zu erhalten, das ideal für die Zubereitung von Pilaws ist und mit cremefarbenem Pulver bedeckt ist. Devzira-Reis ist sehr krümelig, samtig und duftend [39].

**Девзира** – Маҳаллий шолидан олинадиган йирик, сув кўтарадиган гуруч. *Ота сопол товоқдаги девзира гуручининг курмагини тера бошлади.* Х.Ғулом, Машғал. *Девзира гуручининг палови фамл чойни хуш кўрмайди, аксинча, тўқсон бешинчи кўк чой унга энг муносиб чанқовбостидир.* С.Аҳмад, Сайланма [18; 1,586-б.].

**Девзира** – жайдари арпа шолининг гуручи. Девзира чўзиқроқ, бошқа

гуручларга нисбатан йирик, музранг (тиник), баъзилари қизғиш. Шунга кўра, у оқ ва қизил девзира деб икки хил номланади (17,3,585).

Мазкур мифонимнинг гуручга нисбатан қўлланиши инсоннинг овқатга ишлатадиган зирага нисбатан йириклигини бўрттириш натижасида юзага келган: одамнинг зираси >девнинг зираси; ушбу кўшма термин эллипсислашув ҳосиласидир: *девнинг зираси* > *девзира*.

Дев мифонимининг изоҳига эътибор беринг:

Дев миф. Эртак ва халқ дostonларида шохли, думли, бениҳоят улкан одам қиёфасида тасаввур этиладиган, эзгуликка қарши курашувчи хаёлий махлуқ, ёвузлик тимсоли [18;1,585-б.].

**Seide** oder auch **Teufelszwirn (Cuscuta)** ist die einzige Gattung der Tribus Cuscutaceae innerhalb der Pflanzenfamilie der Windengewächse (Convolvulaceae). Weitere deutsche Trivialnamen sind Jungfernhaar, Kletterhur, Schmarotzerseide und Hexenseide. Die über 200 Arten sind fast weltweit verbreitet, sie ernähren sich parasitisch von anderen Pflanzenarten. Die Textilfaser Seide ist eine tierische Faser und hat mit den Pflanzenarten dieser Gattung nur den Namen gemeinsam. Der lateinische Name *cuscuta* kommt wahrscheinlich aus dem Arabischen und ist verwandt mit griechisch *kadytas* (,Schmarotzerpflanze'). [40]

**Девпечак** – ўсимликларга, дарахтларга чирмашиб ўсадиган бир ва кўп йиллик зарарли ёввойи ўт: чирмовиқ. Бир қарич девпечак неча таноб резаворни нобуд қилади. С.Аҳмад. Сайланма [18;1,589-б.].

**Девпечак** – чирмовдошларга мансуб бир ва кўп йиллик паразит ўсимлик. Пояси (0,5 – 7,5 мм гача) сарғиш ёки сарғиш пушти, сершоҳ. Девпечак асосан уруғидан ва қисман поясидан кўпаяди. Тупрокда қишлаб чиққан уруғлари март-апрель ойларида униб чиқади. Ўсимталари дастлаб кунига 2-3 см, 10 кундан бошлаб 12-15 см дан ўсади. Ўрта Осиёда 5 тури тарқалган. Буларнинг ҳар бири 150-200 гача ўсимлик турини зарарлаб, ҳосилнинг



кўпчилигини нобуд қилади, сифатини пасайтиради [17;3,591-б.].

Бу ном зарпечакка нисбатан йирик пояли бўлгани учун шундай ном олган: зарпечак > девпечак. Кўшма термин эллиплашув натижасида шаклланган: *девдай печак* > *девпечак*.

Юқоридагилардан аён бўлдики, немис ва ўзбек тили терминологияси таркибидаги фитонимлар ва зоонимларнинг муайян қисми мифонимлар асосида шаклланган иккиламчи номлашлар маҳсулидир, айримлари эса мифонимлар иштирокида шаклланган бирикма ва кўшма терминлардир. Улар орасида қадим Рим ва Юнон мифларига тегишли мифонимлар бўлиб, кўп тиллар учун муштарак, яъни интернацион

иккиламчи номлаш орқали шаклланган мифофитоним ва мифозоонимлар мавжуд. Шу билан бирга, оз бўлса ҳам, ўзбек тилининг ўзига тегишли, яъни ўзбек халқи мифонимлари асосида таркиб топган миллий характердаги мифофитонимлар ва мифозоонимлар ҳам бор. Уларнинг айримлари худолар, маъбудалар, уларнинг фарзандлари, қадимги мифлар, афсоналар қахрамонлари, эртақлар персонажлари асосида юзага келгандир. Бундай иккиламчи номлаш орқали пайдо бўлган терминлар реал борлиқ ўсимлик ва жонзотларнинг шакл-шамойили, феъл – атвори, ранг-тусларини, уларга ўзаро қиёслаш, ўхшатиш, нисбат бериш билан боғлиқ тарзда инсоннинг ассоциатив тафаккури натижасидир.

#### Адабиётлар

1. Богданов О.П. Ўзбекистон хайвонлари (умурткалилар) – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – 320 б.
2. Genaust Helmut, Etymologisches Wörterbuch der botanischen Pflanzennamen. Zweite, verbesserte Auflage. Springer basel AG 1983,- S.389.
3. Duden. Das Fremdwörterbuch. 2015. – 1136 S.
4. Зокиров Қ.З., Жамолхонов Ҳ.А. Ботаникадан русча-ўзбекча энциклопедик луғат. – Тошкент: Ўқитувчи, 1973, – 294 б.
5. Зоҳидов Т.З. Зоология энциклопедияси. Қушлар. ЎзФА нашриёти,- Т.: 1957 . – 127 бет.
6. Зоҳидов Т.З. Зоология энциклопедияси (Сут эмизувчилар). ЎзФА нашриёти,- Т.: 1960 . – 223 бет.
7. Зоҳидов Т.З. Зоология энциклопедияси. Амфибия ва рептилиялар (газандалар). – Т.: Фан, 1969 . – 225 бет.
8. Зоҳидов Т.З. Зоология энциклопедияси (Балиқлар ва тубан хордалилар). – Т.: Ўзбекистон. Фан, 1979 . – 276 бет.
9. Krenke N.P. Wundkompensation Transplantation und Chimären bei Pflanzen. Berlin. Verlag von Julius Springer. 1933. S.935.
10. Konnotation im Deutschen. Eine Untersuchung aus morphologischer, lexikologischer und lexikographischer Perspektive. Inaugural-Dissertation zur Erlangung des Doktorgrades der Philosophie an der Ludwig-Maximilians-Universität München. vorgelegt von Bettina Felicitas Birk aus München 2012- S. 326.
11. Köster Rudolf. Eigennamen im deutschen Wortschatz. Ein Lexikon. Berlin, 2003: -S 196.
12. Мухаммаджонов С., Жонгуразов Ф. Ўсимликшуносликка оид русча-ўзбекча изоҳли луғат. – Тошкент: Меҳнат, 1989. – 320 б.
13. Spiridonova G. J. Das Blumen-ABC oder deutsch-russisches etymologisches Wörterbuch der botanischen Pflanzennamen. – Ижевск: Изд-во «Удмуртский университет», 2015. – 302 с., - с. 26.
14. Словарь иностранных слов. – Москва: Русский язык, 1989. – 623 с.
15. Tiedemann Friedrich. Zoologie: zu seinen Vorlesungen entworfen Dritter Band. Anatomie und Naturgeschichte der Vögel. Heidelberg. 1814. S. 550, S.655 ].
16. Философиядан қисқача луғат. –Т.: Ўзбекистон, 1973, 180-181 – бетлар.



17. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, ўн икки томлик. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006.
18. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. –Тошкент, 2006–2008.
19. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча – ўзбекча изоҳли луғати. -Т.: Ўқитувчи, 1979, 187 – бет.
20. [https://www.duden.de/rechtschreibung/Ammonit\\_Kopffueszer\\_Fossil](https://www.duden.de/rechtschreibung/Ammonit_Kopffueszer_Fossil)
21. <https://www.wortbedeutung.info/Ammonit/>
22. <https://de.langenscheidt.com/fremdwoerterbuch/atlant>
23. [https://de.wikipedia.org/wiki/Victoria\\_\(Mythologie\)](https://de.wikipedia.org/wiki/Victoria_(Mythologie))
24. [https://de.wikipedia.org/wiki/Victoria\\_\(Gattung\)](https://de.wikipedia.org/wiki/Victoria_(Gattung))
25. <https://educalingo.com/de/dic-fr/harpie>
26. [https://anthrowiki.at/Harpyie\\_\(Mythologie\)](https://anthrowiki.at/Harpyie_(Mythologie))
27. <https://www.zootier-lexikon.org :harpyie-harpia-harpyia>
28. [http://universal\\_lexikon.deacademic.com/173054/Kassandra](http://universal_lexikon.deacademic.com/173054/Kassandra)
29. [https://frutos.info/5j1i8t-lekarstvennye-rasteniya/\\_chamedafna-kassandra-mirt-bolotniy-primenenie-i-poleznie-svoystva](https://frutos.info/5j1i8t-lekarstvennye-rasteniya/_chamedafna-kassandra-mirt-bolotniy-primenenie-i-poleznie-svoystva)
30. <https://www.glassdoor.de/blog/mentor/>
31. <https://www.verben.de/substantive/Pegasus.htm>
32. <https://www.symbolonline.de/index.php?title=Sphinx>
33. <https://www.spektrum.de/lexikon/biologie/fauna/23842>
34. <https://www.spektrum.de/lexikon/biologie/flora/25186>
35. <https://www.pinterest.de/pin/480548222737320884/nic=1>
36. <https://www.das-tierlexikon.de/leguan/>
37. <https://deacademic.com/dic.nsf/dewiki/1227563>
38. <https://pflanzen-enzyklopaedie.eu/einjaehrige-pflanzen/loewenmaul-antirrhinum-majus/>
39. <https://ger.veterinarylabsupply.com/3333177-devzira-rice-use-and-use-in-cooking>
40. [https://www.wikiwand.com/de/Seide\\_\(Gattung\)](https://www.wikiwand.com/de/Seide_(Gattung))
41. [http://n.ziyouz.com/books/kollej\\_va\\_otm\\_darsliklari/biologiya/O'simliklaranatomiyasivamorfologiyasi%20\(L.Kursanov%20va%20b.\).pdf](http://n.ziyouz.com/books/kollej_va_otm_darsliklari/biologiya/O'simliklaranatomiyasivamorfologiyasi%20(L.Kursanov%20va%20b.).pdf)
42. [https://dic.academic.ru/dic.nsf/enc\\_colier/2118/МЕНТОР](https://dic.academic.ru/dic.nsf/enc_colier/2118/МЕНТОР)
43. <https://www.wortbedeutung.info/Abelie/>

*Мирсанов Б. Вторичные номинации, сформированные на основе мифов на немецком и узбекском языках. В этой статье рассматриваются мифофитонимы и мифозоонимы, сформированные на основе мифов на немецком и узбекском языках, а также анализируется их формирование.*

*Mirsanov B. Secondary nominations formed on the basis of myths in the German and Uzbek languages. This article discusses the mythophytonyms and mythozoonyms, formed on the basis of myths in the German and Uzbek languages and analyzes their formation.*